

«BIOKIMYO» AJ  
акциядорларининг 2022 йил 29 июндаги  
Умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Умумий йиғилиш раиси А.Тугизбаев

(*M. Ъ.*)

**«BIOKIMYO»  
AKSIYADORLIK JAMIYATINING**

**акциядорлари Умумий йиғилиши тұғрисидаги  
НИЗОМИ  
(янги таҳрири)**

**Яңгийүл шахар – 2022 йил**

## МУНДАРИЖА

1.	Умумий қоидалар . . . . .	3
2.	Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорлари . . . . .	3
3.	Умумий йиғилишида қатнашиш ҳукуқи, акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш . . . . .	5
4.	Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргалик . . . . .	5
5.	Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргалик кўриш . . . . .	6
6.	Умумий йиғилиш кворуми . . . . .	8
7.	Умумий йиғилишнинг ишчи органлари . . . . .	9
8.	Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби . . . . .	10
9.	Акциядорлар Умумий йиғилиши баёни . . . . .	11
10.	Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларини бажариш . . . . .	12
11.	1-илова. Жамияти акциядорларининг ўтказиладиган Умумий йиғилишининг ҚАЙД ҚИЛИШ РЎЙХАТИнинг шакли . . . . .	13
12.	2-илова. Овоз бериш учун БЮЛЛЕТЕНнинг шакли . . . . .	14
13.	3, За-иловалар. ИШОНЧНОМАЛАРнинг шакли . . . . .	15
14.	4-илова. Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги БИЛДИРИШНОМАнинг шакли . . . . .	16
15.	5-илова. Акциядорлари Умумий йиғилиши кун тартибига доир ТАКЛИФЛАРнинг шакли . . . . .	16
16.	6-илова. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фойизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг ТАЛАБИнинг шакли . . . . .	17

## **1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом «BIOKIMYO» Aksiyadorlik jamiyatining (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) акциядорлари Умумий йиғилиши мақомини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» Конуни (бундан буён матнда Конун деб юритилади), акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади) хамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.4. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин **олти ойдан** кечиктирмай ҳар йили **июнь ойининг иккинчи ярмида** ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, Жамиятнинг йиллик ҳисботларига мувофиқ жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётан чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва Қонунда белгиланган бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **тўқсон** кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган Умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

1.6. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

1.7. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул килинган кундан эътиборан **йигирма беш кундан** кам ва **ўттиз кундан** кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

## **2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорлари**

2.1. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги қарорлар бундан мустасно;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори белгилаш;
- жамиятнинг Устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш), бунда Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) танлов асосида амалга оширилади. Танловда хорижий менеджерлар хам иштирок этиши мумкин;
- жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг фойдаси ва заرارларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшлиш;
- акциядорлар Умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамият акциядорларнинг Умумий йиғилиши тўғрисидаги, Кузатув кенгаши, Бошқарув ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг ички назорат тўғрисидаги, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида харакат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқкан холда жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар-маслаҳатчиларни жалб қилган холда бизнес-жараёнлар ва лойихаларни Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Бошқарувнинг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган холда), шунингдек ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий

йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзидан үтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- саноқ комиссиясига амалий күмак күрсатылыш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил эксперктарни жалб этиш (масалан, инвестиция маслахатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- жамият маблағлари хисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатларини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот берувчи жамият Бошқарув ва назорат органлари маърузалари (хисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Бошқарувига тўланадиган хақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;
- Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Бошқарув органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.2. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш хукуқига эга.

2.3. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг қўпчилик (**оддий қўпчилик**) овози билан қабул қилинади.

2.4. Қуйидаги масалалар бундан мустасно:

жамият Устав фондини қўпайтириш, шунингдек жамият Уставига жамият устав фондини қўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамиятнинг Бошқарувини тузиш, унинг аъзоларини сайлаш(тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг Бошқарувига тўланадиган хақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш:

жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисботларини ва Тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиш;

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг **тўртдан уч қисмидан** иборат қўпчилик (**малакали қўпчилик**) овози билан қабул қилинади.

Солиқقا оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг

(давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади

2.5. Акциядорларнинг Умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

2.6. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг Умумий йигилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

### **3. Умумий йигилишда қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш**

3.1. Акциядорлар Умумий йигилишини ўтказиш расман эълон қилинган кунгача уч иш кунда шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар акциядорларнинг Умумий йигилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартишлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки уни тузишида йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.3. Акциядорларнинг Умумий йигилишида Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган уларнинг ваколатли вакиллари, Жамият аудитори, Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари, Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар (Кузатув кенгашни ва Жамият Тафтиш комиссияни сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодларни, ҳам таклиф этиш тавсия этилади).

3.4. Умумий йигилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йигилиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.5. Умумий йигилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

3.6. Юридик шахс раҳбари Жамият акциядори Умумий йигилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.7. Акциядор юридик шахснинг вакили Акциядорлар Умумий йигилишида ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.8. Жамият акциядорлари реестрига биноан **1-иловага** мувофиқ шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади.

Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.9. Умумий йигилишни ўтказишида акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва овоз бериш учун бюллетенларни (**2-иловада кўрсатилган шакл бўйича**) оладилар.

3.10. Агар йигилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома (**3, За-иловалар**) тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетенъ берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қарисига «\_\_\_\_\_ та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «\_\_\_\_\_» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс хисобидан ўзи тўлдирилган бюллетень нусхасини олиш имконияти берилади.

3.11. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

#### **4. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

4.1. Акциядорлар йиллик Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришни Кузатув кенгаш амалга оширади. Кузатув кенгаш куйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2. Аниқ масала қўйилишини акс эттирамайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

4.3. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан **йигирма беш кундан** кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.4. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида **йигирма бир кундан** кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

4.5. Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар бериш Жамият акциядорлари реестри асосида матбуотда тегишли ахборотни эълон қилиш ва акциядорларга электрон почта орқали ёзма билдиришнома (**4-иловада кўрсатилган шакл бўйича**) юбориш йўли билан амалга оширилади.

4.6. Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарда куйидагилар бўлиши керак:

Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни танишириш тартиби.

4.7. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар (материаллар)га Жамиятнинг йиллик хисоботи, Жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Жамият Тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, Жамият Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси.

Акциядорларга умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни, уларнинг талабига асосан тақдим этилиши мумкин.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдори ошкор этилади ҳамда тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг жамиятнинг дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини жамиятни ривожлантириш эхтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қиласди.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши шарт бўлган қўшимча маълумотлар (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

4.8. Жамият акциядорлари Умумий йиғилиши кун тартибига доир таклифлар (**5-иловада кўрсатилган шакл бўйича**) Жамиятнинг камида **бир фоиз** овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан, Жамият молиявий йили тамом бўлгандан кейин **тўқсон кундан** кечикмай юборилади. Кўрсатиб ўтилган акциядорлар, шунингдек акциядорлар йиллик Умумий йиғилиш кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Жамият Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатишга ҳақлидир, уларнинг сони ушбу органлар сон таркибидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.9. Жамиятнинг бир фоизидан кам бўлмаган акциядорлар (акциядор) га Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссияси аъзолигига ўзлари кўрсатган номзодларини кўрсатиши юзасидан таклиф киритиш акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан **уч иш кунидан** кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.10. Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.11. Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.12. Жамиятнинг Кузатув кенгashi тушган таклифларни мазкур Низомнинг **4.8-бандида** белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин **үн кундан** кечиктирмай кўриб чиқишига ва уларни акциядорлар Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки кун тартибига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбурдир.

4.13. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

мазкур Низомнинг **4.8-бандида** белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг мазкур Низомнинг **4.8-бандида** назарда тутилган микдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

мазкур Низомнинг **4.10-бандида** назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;  
таклифлар Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.14. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан **уч иш кунидан** кечиктирмай юборилади.

4.15. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки Жамиятнинг номзодни Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайловлар бўйича номзодлар рўйхатига киритиш рад этилиши тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

## **5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра қўйидагилар асосида ўтказилади:

унинг ўз ташабуси асосида;

Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби асосида;

ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида (**6-иловага мувофиқ**).

5.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан **ўттиз кундан** кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқкан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамият Тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан **ўн кун ичida** Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши ради этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб берилган санада Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг **беш фоизига** эгалик қилмаса;

кун тартибида киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибида киритиш учун таклиф этилган масала қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишини чақириши ради этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақириши талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **уч иш кунидан** кечиктирмай юборилади.

5.10. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши ради этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши мазкур Низомнинг **5.7-бандида** муддат ичидаги акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақириши ради этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши уни чақириши талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари хисобидан қопланиши мумкин.

5.12. Кузатув кенгаши фаолиятини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш учун қўйидагилар асос бўлади:

Кузатув кенгаши қарори;

Жамият Тафтиш комиссияси ёзма талаби;

талаб қўйилаётган санада жамиятнинг камида **беш фоиз** овоз берувчи акцияси эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби.

5.13. Кўйидагилар кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабларнинг сабаби ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Уставга, акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;

Жамиятга зарар келтирганлик, акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларига зиён етказиш, шу жумладан ишлаб чиқариш молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва рентабелликнинг пасайиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг асоссиз равишда камайиб кетиши билан боғлиқ зиён етказганлик;

Жамиятнинг иқтисодий начорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармалар олдидағи барқарор қарздорлик.

5.14. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгашига конунчиликда ва мазкур Низомининг 5-бўлимида белгиланган тартибда берилади.

## **6. Умумий йиғилиш кворуми**

6.1. Агар акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари)

рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Агар йиғилиш бошланиши учун белгиланган вақтдан сўнг **олтмиш минутдан** ортиқ вақт давомида кворум тўпланмаса, акциядорларнинг янги Умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг тақорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган тақорий Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тутгалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **қирқ фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақорий Умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш **«жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз»** принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаси аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

6.4. Акциядорларнинг тақорий Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш Қонуннинг **62-моддасида** назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш санаси **йигирма кундан** кам муддатга кўчирилган тақдирда, Умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган Умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **7. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари**

7.1. Қуйидагилар Умумий йиғилиш ишчи органлари лўйидагилар ҳисобланади:

Умумий йиғилиш Раиси;

Раёсат (керак бўлганда);

Котиб;

Саноқ комиссияси.

7.2. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради (Умумий йиғилиш Раиси ҳисобланади).

Акциядорлар Умумий йиғилиши Раёсати акциядорлар Умумий йиғилишида сайланади. Бунда Акциядорлар Умумий йиғилиши Раёсати таркибига лавозимига кўра Кузатув кенгаси Раиси (у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда - Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири) киради.

7.3. Акциядорлар Умумий йиғилиши Раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қиласи, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

7.4. Умумий йиғилиш Раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилиш ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни мухокама қилиш тартибини белгилайди, маъruzачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.5. Умумий йиғилиш Раиси Умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

7.6. Умумий йиғилиш котиби:

Умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;

ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини мухокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;

Умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг **ўн қундан** кечиктирмай акциядорлар Умумий йиғилиши баёнини **икки** нусхада тузади.

7.7. Овозларни ҳисоблаб чиқиш, акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар бериш учун ва акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш учун бошқа вазифаларни **Саноқ комиссияси** томонидан амалга оширилади.

7.8. Саноқ комиссияси ўзига юклangan вазифаларни бажариш масаласида мустақил иш кўрувчи йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан Саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.9. Жамият Саноқ комиссияси ўз ишини қонунчилик, Жамият Устави ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорлари билан тасдиқланган акциядорларининг Умумий йиғилиши ҳамда Саноқ комиссияси тўғрисидаги низомлар асосида амалга оширади.

## **8. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби**

8.1. Акциядорлар Умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг хар бир Умумий йиғилишида мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Кузатув кенгаши Раиси Умумий йиғилишнинг Раёсатини (керак бўлганда) ва котибини сайлашни таклиф этади.

8.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маъruzачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

Бошқарув, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, аудиторлик ташкилоти вакили умумий йиғилишда ўз хисоботлари билан шахсан иштирок этишлари шарт.

8.4. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни раис мухокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишида бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгилangan вақт доирасида сўзга чиқиш хуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал этилади.

8.5. Кун тартибидаги масалаларни мухокама қилинганда қатнашиш истагини билдирганлар Умумий йиғилиш котибига мухокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманома берадилар.

8.6. Кун тартибининг барча масалалари мухокама қилингандан кейин Раис акциядорлар Умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласади.

## **9. Акциядорлар Умумий йиғилиши баёни**

9.1. Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан кейин **ўн қундан** кечиктирмай **икки** нусхада тузилади. Ҳар иккала

нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

Умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

## **10. Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларини бажариш**

10.1. Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баёнда акс этирилмаган бўлса, Жамият Кузатув кенгаши амалга оширади.

10.2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорлари Умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.